Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

7 НОЯБРЬ, ШАНБА

№ 218 (469). 1992 йил

Сотувда эркин нархда

Кеча Жиззахда атоқли давлат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги катта тантана билан нишонланди

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг республика пойтахти — Тошкентда бошланган 75 йиллиги тантаналари 6 ноябрь куни Жиззахда давом этди. Шаҳарнинг «Ўзбекистон» меҳмонхонаси рўпарасидаги дўстлик майдони, Шароф Рашидов номидаги кўча ва боғ эрта тонгданоқ одамлар билан тўлди. Йиғилганлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва унинг ҳамроҳларини эҳтиром билан кутиб олдилар.

Эрталаб соат 11. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва бошқалар дўстлик майдонига келдилар. Шароф Рашидов бюстининг очилишига бағишланган маросим бўлди.

Меҳмонлар Шароф Рашидовнинг уй-музейига йўл оладилар. Бу ерда атоқли эл фарзандининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи минглаб нодир экспонатлар жой олган. Шундан кейин келганлар байрамга бағишлаб тикилган қозоқ, қирғиз ўтовларида меҳмон бўлдилар.

Чошгоҳда Юнус Ражабий номидаги вилоят театрида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бошланди. Мажлисни Республика Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади. (Ислом Каримов нутқи газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Тантанали мажлисда қозоғистонлик азиз меҳмон Д. Қўнаев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Шароф Рашидовнинг умр йўлдоши Хурсаной ая, тожикистонлик Меҳнат Қаҳрамони А. Самадов, туркманистонлик меҳмон Р. Ғафуров ва бошқалар сўзга чиқиб, халқимизнинг оташқалб фарзанди ҳақидаги хотираларини ҳаяжон билан сўзлаб бердилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

СУРАТДА: учрашув пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг етти иқлимда машҳур «ДЭУ» корпорацияси президенти Ким У Жунни қабул қилди.

— Ўзбекистон, — деди И. Каримов, — келгусида «Дэу» корпорацияси билан нафақат машинасозлик соҳасида, балки, у фаолият кўрсатаётган бошқа тармоқлар бўйича ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр. «Дэу» корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётида бугун ҳам, эртага ҳам ўз ўрнига, мавқеига эга бўлади, деб умид қиламан.

Жаноб Ким У Жун ўз навбатида «Дэу» корпорацияси Асака шаҳрида қурилаётган енгил автомобилсозлик заводидан ташқари, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам кичик автобуслар, кондиционерлар ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар, техник хизмат кўрсатиш станциялари ҳамда телекоммуникация иншоотлари, бизнес маркази қуриш ниятида эканини айтди.

Бунинг эвазига Ўзбекистон томони Жанубий Кореяга минерал ўғитлар ва пахта каби маҳсулотлар етказиб бериши мумкинлиги айтилди. Тегишли вазирлик ва муассасалар раҳбарларига мазкур таклифларни тезроқ амалга ошириш учун барча зарурий чораларни кўриш вазифаси юклатилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг муовини Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа бир қанча вазирлик ва муассасалар раҳбарлари иштирок этишди.

(ЎзА).

ЯНГИЧА САВИЯДАГИ МУНОСАБАТЛАР ҚАРОР ТОПДИ

ЎЗБЕКИСТОН ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ва шу воқеа муносабати билан Тошкентга ташриф буюрган Эрон ташқи ишлар вазирининг муовини Маҳмуд Воизий маросимда сўзга чиқишиб, бу кунни тарихий дея баҳоладилар. Уларнинг ҳар бири бу сўзни ўзларича талқин этган бўлсалар-да, воқеага баҳо беришда фикрлари асосан муштарак эди. Зотан, тарих, айниқса, қўҳна маърифатли халқлар ўтмиши асрлар ва минг йиллар билан ўлчанади. Ўзбекистон ва Эрон бир-биридан мосуво этилган 70 йиллик оралиқ муддат биз нинг минтақадаги бетакрор маърифий тараққиётнинг муштарак ирмоқларида камол топган халқлар учун оний лаҳза, ўзаро муносабатлар мантиғидан чекиниш ва тўғри йўлдан тойилиш эди. Икки давлат олдида турган бугунги вазифа ва мақсадлар бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, ўртадаги умумий муштарак жиҳатлар янгидан яқинлашув учун ишончли заминдир.

Икки ташқи сиёсий идора раҳбари талаффузидаги фарқ ҳақида гапириладиган бўлса, табиийки, биз ўзбекистонликлар бу воқеага, аввало, жумҳуриятимизнинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги билан боғлиқ ўзгаришлар нуқтаи назаридан қараймиз. У. Абдураззоқовнинг маълум қилишича, Эрон элчихоناси мустақил Ўзбекистонда иш бошлаган шундай элчихоналарнинг ўн еттинчисидир. Ҳозиргача 58 та давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси Тошкентда ўзларининг ваколатхоналарини очишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўзбекистон жумҳурияти мустақил яшай бошлаганига бир йилдан ошди, холос, аммо у жаҳон ҳамжамияти сари катта одимлар билан бормоқда.

Ўзбекистон ва Эрон муносабатлари жўшқинлиги билан ажралиб турибди. Элчихонанинг очилиш маросимида ҳозир бўлган ҳамма дипломатлар шу фикрни билдирдилар. Президент Ислом Каримов бир неча ҳафтадан сўнг Эронга сафар қилади. Бу ташрифни тайёрлаш Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсий идораси бошлиғининг ўринбосари М. Воизийнинг асосий вазифаларидан биридир. Унинг ўзбек ва хорижий журналистлар учун ўтказилган матбуот конференциясида маълум қилишига қараганда Теҳронда бу визит муносабати билан эрон-ўзбек муносабатлари янада юқори, сифат жиҳатидан янгича поғоналарга кўтарилишига умид боғламоқдалар. Дипломатия йўллари орқали бир қатор ҳужжатлар тайёрланмоқдаки, уларни Эроннинг пойтахтида имзолаш режалаштирилмоқда.

Қўшни халқлар ўртасидаги муносабатларнинг янги саҳифаси очилмоқда. Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг муовини таъкидлаганидек, қалин иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуддир. Бу алоқалар иккала давлат учун ҳам фойдали ва самарали бўлади. Дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши ва элчихонанинг очилиши билан икки томон ишбилармонларининг саъй-ҳаракатлари фаоллашади, улар шахсий алоқалар боғлаш, кераклі маълумотларни олиш ва тарқатиш, бир-бирларига маҳсулот етказиб бериш, қўшма корхоналар очиш билан боғлиқ масалаларни тезда ҳал этиш имконига эга бўладилар. Қўшнилар ва умуман одамлар ўртасидаги алоқа доимий тус олади.

Маросимда иштирок этган «Ўзбекистон-Эрон» жамиятининг вице-президенти Э. Хўжаев айтганидек, халқлар ва одамлар ўртасида расмиятчиликлардан ҳали дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга даъват этилган халқ дипломатиясининг имкониятлари ҳам кенгаяди.

Элчихонани очиш маросими қатъий дипломатия актларига мувофиқ ўтди. Ҳарбий оркестр Эрон Ислом Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этди, Эроннинг байроғи кўтарилди. Ўзбекистон жумҳурияти Бош вазири А. М. Муталовнинг, хорижий давлатларнинг Тошкентда аккредитация қилинган дипломатия ваколатхонаси бошлиқларининг иштироклари маросимга алоҳида маъно бахш этди.

Шундай қилиб, икки йирик Осиё давлатлари ўртасида янгича савиядаги муносабатлар қарор топди. Аммо Эрон дипломатлари бир неча ойдан бери Тошкентда ишламоқдалар ва бу бизни Эроннинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили жаноб Ҳошимий Гулпойгонийга савол билан мурожаат қилишга ундади.

— Сиз озгина бўлса-да бизда ишлаб тажриба орттирдингиз. Ўзбекистон ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги билан муносабатларингиз қандай бўлаяпти?

— Муносабатларимиз натижалари хусусида ўзингиз мушоҳада қилишингиз мумкин. Ташқи ишлар вазирингиз Эронга ташриф буюрди, олий даражадаги учрашувга ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ҳайрихоҳ ва илтифотли муносабатларини ҳар дақиқа ҳис этиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб уларга ташаккур изҳор қилмоқчи эдим. Тошкентга келганимдан сўнг ўзбек халқларига Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга сидқидилдан интилаётган Эрон ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишларига ёрдам қилишни ўз олдимга вазифа қилиб қўйдим.

Менинг мамлакатим ҳақида илгари шакллганган нотўғри қарашлар ўрнини муносабатларимизга оид муаммоларга бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда мулоҳазали ёндошув эгаллаётганидан мамнунман.

Биз жаноб Ҳошимий Гулпайгонийга Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ишида янгидан-янги муваффақиятлар тиладик.

Ж. АНВАРОВ,
П. ЛЬВОВ.

• *«Халқ сўзи» жонкуярлари ҳузурида*

«Деновнинг довруғи сўнмайди!»

Бозор иқтисодиёти туфайли тобора авжига чиқаётган қимматчилик энг аввало маърифатнинг оёғига болта урмоқда — газета ва журналларнинг чоп этилиши кескин камайиб кетди. Кўп хонадонларга биронта ҳам газета етиб бормаяпти. Бунинг устига халқимизнинг ҳам пули ошиб-тошиб ётгани йўқ — ҳар қандай қизиқарли газетадан тобора бир халта ун афзал бўлиб бормоқда. Ана шундай шароитда Деновда «Халқ сўзи» муштарийларининг 4000 нафардан ошгани одамни... ҳайрон қолдиради. Район ҳокими Эшмурод Турдалиев билан мухбиримизнинг суҳбати ана шу ҳақда бўлди.

— Эшмурод ака, деновлик муштарийларнинг бу даражада фаоллигини қандай изоҳлаш мумкин?

— Халқ хўжалигининг барча тармоғи сингари газета ва журналар учун ҳам бу йил жуда қийин келди. Нархлар қайта-қайта ўзгарди. Қоғоз қимматлашди, нашриёт ишлари ,почта ташиш хизмати баҳоси бир неча баробар ортиб кетди. Бу харажатларнинг ҳаммаси таннархда акс этади — муштарийнинг зиммасига бориб тушади. Ва бу юк муштарийлар учун жуда оғирлик қилади. Чунки, ўзингиз биласиз бюджетимизнинг мазаси йўқ. Баъзан, ҳатто иш ҳақини ўз вақтида ололмаяпмиз. Ана шундай шароитда ҳеч бир муштарий илгаригидек беш-ўнлаб нашрларга обуна бўлолмаслиги турган гап. Масалан, «Халқ сўзи»нинг бир йиллик баҳоси обуначи учун 390 сўм. Кимлардир учун бу — арзимас пул. Аммо ҳали қишлоқларда ўртача ойлик кўп ҳам ошиб кетгани йўқ. Бундан ташқари оилаларимизнинг серфарзандлигини ҳисобга оладиган бўлсак... Аксарият хонадонларда фақат бир киши — ота ишлайди. Агар маошни еттисаккиз жонга бўлсак... Хуллас, обуна учун бундай тақсимотдан сўнг жуда оз пул қолади.

Ҳозир Ўзбекистонда қайси газета зўр? Тўғри, ҳар кимнинг ўзи яхши кўрган рўзномаси бор. Масалан мен «Туркистон»ни яхши кўраман. Демоқчиманки, қайсидир газета ёки журнал минг яхши бўлсин, аммо унга обуначи ёзилмайди, сабаби — қимматчилик. Аслида ҳам шундай бўлянти. Аммо халқни газета ва журналларсиз ҳам қолдириб бўлмайди. Масалан, бир оилага ҳар куни лоақал битта газета бориб турса, болалар ўша газетани ўқишади-ку! Мен сизга айтсам, ҳозир газеталаримиз зўр бўлиб кетди — ҳамма нарса ҳақида ёзяпти. Бир газетани мунтазам ўқиб борадиган одамга академияда таҳсил кўришнинг кераги йўқ. Албатта бу гап ҳазил; ҳеч бир газета академиянинг ўрнини босолмайди, аммо чин жойи шундаки, газеталардан ўша академияларда ҳам ўргатилмайдиган нарсаларни билиб олиш мумкин. Газета ўқимайдиган одамнинг маънавий савияси ҳам паст бўлади: замондан, ижтимоий ҳаётдан орқада қолиб кетади.

Биз ўзаро маслаҳатлашдик, нима бўлгандаям хонадонлар газета ва журналлардан бенасиб қолмаслиги керак, деган фикр ҳаммага маъқул тушди. Бу масалани мувафаққиятли ҳал қилмоқ учун газета дўконларига ҳам ишониб бўлмайди — тақчилликлар туфайли бундай дўконлар сони ҳам тобора қисқариб бораётир. Қишлоқларда эса бундай дўконнинг ўзи йўқ. Шунинг учун обуначиларни кўпайтиришдан бўлак иложи йўқ экан. Биз лозим бўлган ўртоқларни ҳокимиятга таклиф қилдик, фикр сўрадик. Сўнг ўзимизнинг таклифимизни айтдик: ҳар бир хўжалик, ташкилот, корхона имкониятидан келиб чиққан ҳолда обуна ҳаражатларини ўз зиммасига олсин!

Рости, қайси ташкилот обунага неча сўм ҳаражат қилиши кераклигини ҳам тахминан кўрсатиб бердик. Балки, бизнинг бу ишларимиз бугунги куннинг демократия тўғрисидаги шиорларига унчалик ҳам тўғри келмас, аммо халқни газета ва журналларсиз қолдириб ҳам бўлмайди. Худди илгаригидек ҳокимиятнинг масъул ходимларини обуна ишига сафарбар этдик. Белгиланган тартибга мувофиқ ҳар куни маълумотлар олиб турдик. Бепул обуна, яъни ташкилот ҳисобидан бўладиган обуна энг охирги чора. Биз шунгача бориб етдик.

(Давоми 4-бетда).

«ЭКОСАН» ОЛАМГА БОНГ УРАДИ

КЕЧА ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ

Еш ватандошлар анжумани қатнашчилари Ўзбекистон халқи саломатлиги ва экологик аҳвол билан танишиш, қандай муаммолар турганлигини билиш учун қатор вазирликлар ва қўмиталарнинг раҳбар ходимлари билан учрашдилар. «Экосан» жамғармаси фаоллари томонидан уюштирилган бу дийдорлашув чоғида жамғарма президенти Юсуф Шодиметов бундай деди:

— Биз бугунги учрашувда кўп масалалар хусусида сиз миллатдошлар билан очиқчасига гаплашиб фикрлашиб олмоқчимиз. Жумҳуриятга келган ўзга барча меҳмонлар олдида биз ўз муаммоларимиз тугунини ечмаймиз. Лекин бугун сиз хориждаги ўзбек фарзандлари билан ташвиш ва муаммоларимиз хусусида очиқ сўзлашишга қарор қилдик. Биз экологик ҳалокатли вазиятни бартараф этишнинг аниқ ва амалий йўлларини биргаликда излашимиз лозим.

Шундан сўнг жумҳурият Олий Кенгаши қўмиталари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Ўрмон хўжалиги вазирликлари, Давлат физкултура ва спорт қўмитаси вакиллари халқимиз саломатлиги заифлашиб бораётганлигига табиатга етказилаётган беқиёс зарар сабабчи эканлиги, унга қарши кураш олиб борилаётган бўлса-да аҳвол анча оғирлигини таъкидладилар. Йўл қўйилган хатолар, режасиз олиб борилган ишлар туфайли иқлим бузилиб, Орол денгизининг қуриган ерларидан кўтарилаётган минглаб тонна туз Ўрта Осиё халқи бошига офат бўлиб ёғилаётганини айтдилар. 70-80 фоиз сув фақат экинларни суғоришга сарф қилингани, бир гектар ерга Америкада 2 килограмм, собиқ СССР республикаларида 3 килограмм заҳарли дорилар солинган бўлса, республикамизда 25 килограммдан ортиқ эканлиги, фожиа оқибатлари яшириб келинганини маълум қилдилар. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, ва бошқа қўшни республикалар фарзандлари ўсиши Европа аҳолисига қараганда анча паст эканлиги, ўзбеклар ўзга жумҳуриятлар фуқароларидан 12 йил кам умр кўришлигини, гўдаклар ўлими жиҳатидан биз жаҳонда юқори ўринларда туришимизни ватандошларимиз чуқур алам билан тингладилар. Бу учрашувда миллатимиз бошига тушган мусибатлар рўй-рост тўкиб солинди.

«Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино авлоди бўлмиш миллатдошларимиз бошига шунча фожеа тушганидан биз бехабар эдик. «Экосан» фаоллари ташкил қилган бу учрашув ҳақиқий вазият қандай эканлигини билишимизга кўмак берди, ота юртимиз дардини енгил қилиш учун курашга отлантирди», — деди америкалик Жавдод Сайхон.

Чет эллик ватаношларимиз юртларига қайтгач, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилиниб, кўплаб вазирликлар ва ташкилотлар, чет эллардаги ҳамфикрлар кучини Ўзбекистоннигина эмас, Ўрта Осиё минтақаси муҳити ва аҳолиси соғлиғини ҳимоя қилишга жазм этган «Экосан» жамғармаси ғояларини кенг ёйишга киришажаклигини айтдилар

М. НАЗАР,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Фармон ва ижро*

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Бозор иқтисодиёти муносабати билан нафақадорлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ёлғиз кишилар, камқонлик, дардман аёллар нинг турмуш тарзи бироз мураккаблашди. Лекин жумҳуриятимиз Президенти бундай кишиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг турмушини яхшилаш юзасидан фармонлар чиқарганлиги, кўпгина жойларда ушбу кўрсатмалар ҳаётга тадбиқ этилаётгани туфайли кам таъминланган оилаларда ҳам ҳаёт бир маромда кечяпти.

Президентимиз Фармонларига кўра, Улуғ Ватан уруши ногиронлари турмуш фаровонлигини яхшилаш учун талай имтиёзлар яратиб берилмоқда. Бир йил ичида 50 нафар уруш иштирокчиларига 20 сотихдан томорқа ажратилди, 20 киши санаторийларда даволаниш учун текин йўлланмалар билан таъминланди. Уларга 200 тоннадан ортиқ ем-хашак ажратилди. Бир неча бор чет эллардан юборилган инсонпарварлик ёрдамидан баҳраманд бўлдилар.

Уруш иштирокчилари, афғон урушида қатнашганлар учун қурилиш материаллари ажратилмоқда, танқис озиқ-овқат маҳсулотлари биринчи навбатда берилмоқда. Уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминлаш масалалари ҳам район ҳокимлиги, хўжаликлар, район ташкилотлари раҳбарларининг доимий эътиборида. Қаровчиси йўқ, ёлғиз ногиронлар, фахрийларга тиббий ҳамширалар бириктириб қўйилмоқда. Ҳатто, кўпгина ногиронлар ва ёлғиз нафақахўрларга меҳрибонлик кўрсатаётган кишилар учун ойлик маошлар тайин этилди.

Районимиз ҳудудида 134 Улуғ Ватан уруши қатнашчиси истиқомат қилади, уларнинг 49 таси биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидир. Халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган нақл бор. Она юрт, бугунги авлод истиқболи дея қон кечган уруш қатнашчиларига ҳар қанча ҳиммат кўрсатсак оз, уларнинг дуосини олишда эса ҳикмат кўп. Қолаверса ундай отахонлар сони ойлар, йиллар сайин сийраклашиб бормоқда, афсус. Президент фармонига биноан Улуғ Ватан уруши иштирокчилари яшаб турган 40 та давлат уйлари текинга берилди. Фахрийлардан 110 кишига давлат томонидан қўшимча нафақалар тайинланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва ҳалок бўлган жангчилар оилаларига 50 минг сўмликдан ортиқ ёрдам уюштирилди.

Фахрийларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларга арзон нархларда бензин ва бошқа ёқилғи ажратиш ҳам доимий эътиборда. Район электр тармоқлари корхонаси, газлаштириш идораси жамоалари Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, меҳнати сингган фахрийларга, ўқитувчиларга электр қуввати ва газдан текин фойдаланиш имтиёзларини яратиб беришди. Коммунал, маиший хизматнинг бошқа соҳаларини ҳам текин қилиш режалари изланмоқда.

Район ҳокимлиги Президент барча фармонларининг амалга ошишини таъминлаш борасида жойларда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Бундан кейин ҳам аҳолини, унинг кам таъминланган қисмини, фахрийлар, ногиронларни, ўқитувчи-ўқувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга катта эътибор берилаверади.

Э. ҲАМРОЕВ,
Усмон Юсупов район ҳокимининг ўринбосари.

Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

МАЪЛУМКИ, ҳар қандай иқтисодий муносабатлар ўз ҳуқуқий асосига, қонунига эга. Республикамизда юзага келаётган янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш ҳам мустаҳкам қонунларга таянган ҳолда амалга оширилиши керак. Бироқ ҳозирги кунда бозорни тартибга солувчи айрим қонунларнинг қабул қилинмаганлиги (ишлаб чиқилмаганлиги), мавжуд қонунлар эса давр талабига жавоб бермай қўйганлиги сабабли катта муаммолар пайдо бўлмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТАШВИШЛАРИ

Туб ўзгаришларни бошдан кечираётган фуқаролик ҳолатининг ҳам қатор жиҳатларини аниқлаб олиш вақти келди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳида ўтказилган давра суҳбати айнан шу мавзуларга бағишланди. Суҳбатда профессор Ҳ. Раҳмонқулов, фан номзодлари Ш. Рўзиназаров, Ф. Шодмонов, Ш. Ҳакимов, илмий ходим Қ. Абдулҳасанова, аспирантлар И. Насриев, К. Рашидов иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ — Биз бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга ўтмоқдамиз. Социализмнинг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд эди. Улар марказлаштирилган иқтисодий сиёсатни, ягона давлат мулкига асосланган муносабатларни тартибга солишга қаратилган эди. **Эндиликда ушбу қонун-қоидалар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди.** Шунинг билан бирга республикамиз суверен давлат сифатида ўзининг Конституциясига ва бошқа қонунларга эга бўлиши керак. Шундай экан, биз олимларнинг олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди.

Ш. РЎЗИНАЗАРОВ. — Дарҳақиқат, Ўзбекистонни мустақил ҳуқуқий давлат сифатида мустаҳкамлашда ва бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишни тўлдирмасдан, такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди. **Ҳозирги шароитда фуқаролик ҳуқуқий қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг доираси тобора кенгайиб бормоқда.** Энг муҳими фуқаролик қонунлар мажмуасида ўзимизнинг тарихий ҳуқуқий меросимиз ҳамда хорижий мамлакатларнинг бу қонунчилик борасидаги ижобий тажрибаларини ўрганган ҳолда республикамизнинг миллий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниши керак.

И. НАСРИЕВ. — Инсоннинг унумли ижодий меҳнат қилиш қобилиятининг самараси бўлмиш фан, адабиёт, санъат асарлари, ихтиро, кашфиёт, рационализаторлик таклифлари ва шунга ўхшаш ижодий фаолият натижаларини биз товарга тенглаштиришга юз фоиз ҳақлимиз. Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги Қонунининг 2-моддасида юқоридаги ижодий меҳнат самаралари **мулк ҳуқуқининг объекти сифатида кўрсатиб ўтилган. Гап шундаки, мазкур объектларнинг ҳимояси қонунчиликда етарлича акс этмаган.**

Биринчидан, фан, адабиёт, санъат асарлари муаллифларининг ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус орган ташкил қилинмоғи лозим. Муаллифларнинг ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича собиқ Иттифоқ органи (ВААП) қайтадан тузилиб у Ўзбекистон Республикасидаги муаллифларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини мазкур республика доирасида ва чет мамлакатларда ҳимоя қила оладиган бўлмоғи шарт. Бунинг учун ўз навбатида мустақил давлатимиз бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ҳамкорликка киришиб, халқаро Берн, Женева конвенциясига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши нур устига аъло нур бўлур эди.

Иккинчидан, муаллифларнинг ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш учун Президент ҳузуридаги интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилувчи махсус орган ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси «Жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни муаллифларга ўзларидо **ҳалигача ўзининг мустаҳкам ва аниқ ҳуқуқий асосига эга эмаслиги ҳаммага равшан.** Бу фуқаролик қонунлари мажмуасининг махсус бобида ёки алоҳида махсус қонун ёрдамида амалга оширилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига кўра деҳқон хўжаликлари, ижарачилар ҳамда барча тадбиркорлар моддий-техника ресурсларини мустақил равишда давлат ташкилотларидан, кооператив ва совхозлардан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунинг ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун коллектив асосида бирлашишларига имкон беради. Бу анъанани тиклаш учун имконият етарли. Мазкур муаллифлар кенгаши аъзолари машҳур фан, санъат, маданият арбобларидан ташкил топмоғи лозим.

Ф. ШОДМОНОВ. — Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш бўлинмаларини моддий-техника воситалари билан таъминлашни улгуржи савдо йўли билан амалга оширишнинг ҳуқуқий масалалари ҳам республикамизда фуқаролик ҳуқуқи (қонунчилиги) қайтадан шаклланаётган жараёнда алоҳида ўрин тутади. Улгуржи савдо — бу шартнома асосида бевосита тайёрловчи билан истеъмолчи ўртасида вужудга келадиган эркин савдо бўлиб, бунда биржа, омбор, дўконлар ҳам иштирок этиши мумкин. Лекин таъминотнинг энг қулай услубларидан бўлмиш **улгуржи савдо** қўлгача ўзининг мустаҳкам ва аниқ ҳуқуқий асосига эга эмаслиги ҳаммага равшан. Бу фуқаролик қонунлари мажмуасининг махсус бобида ёки алоҳида махсус қонун ёрдамида амалга оширилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига кўра деҳқон хўжаликлари, ижарачилар ҳамда барча тадбиркорлар моддий-техника ресурсларини мустақил равишда давлат ташкилотларидан, кооператив ва совхозлардан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бироқ бунда юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳанузгача баъзи қийинчиликлар мавжуд. Бу ўз навбатида ижара, тадбиркор, деҳқон хўжаликларининг шаклланишида тўғаноқ бўлмоқда.

Ш. ҲАКИМОВ. — Бозор бизнинг республикамизга ўзи билан тадбиркор, ижарачи, деҳқон хўжаликлари (фермерлар) каби тушунчаларни олиб келди. Бу тушунчалар биз учун бирмунча янги бўлганлиги сабабли, нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ҳуқуқий томондан ҳам айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу туфайли ҳозирги кунгача мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қонунлар камчиликлардан ҳоли эмаслигини инкор этиб бўлмайди. Масалага бу томондан ёндошганда, албатта, мазкур тушунчаларга ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо бериш керак. Масалан, тадбиркор, биринчидан ҳуқуқ субъекти. Иккинчидан, у маълум бир (тижорат) фаолият билан машғул бўлади. Учинчидан, тадбиркор мустақил ҳаракат қилади. Ва, ниҳоят, тадбиркорнинг фаолияти мулк шаклига боғлиқ бўлиб, унга кўра (иш) қарор қабул қилади. Юқорида айтилган тушунчаларнинг юридик ҳолатини белгиловчи **шу кабн тафсилотлар келгусида ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган республика фуқаролик қонунлари мажмуасида акс этса,** мақсадга мувофиқ бўлур эди.

К. РАШИДОВ. — Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш темир йўл транспорти соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Шунинг учун ҳам темир йўл транспорти норматив бунда юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳанузгача баъзи қийинчиликлар мавжуд. Бу ўз навбатида ижара, тадбиркор, деҳқон хўжаликларининг шаклланишида тўғаноқ бўлмоқда.

Ш. ҲАКИМОВ. — Бозор бизнинг республикамизга ўзи билан тадбиркор, ижарачи, деҳқон хўжаликлари (фермерлар) каби тушунчаларни олиб келди. Бу тушунчалар биз учун бирмунча янги бўлганлиги сабабли, нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ҳуқуқий томондан ҳам айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу туфайли ҳозирги кунгача мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қонунлар камчиликлардан ҳоли эмаслигини инкор этиб бўлмайди. Масалага бу томондан ёндошганда, албатта, мазкур тушунчаларга ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо бериш керак. Масалан, тадбиркор, биринчидан ҳуқуқ субъекти. Иккинчидан, у маълум бир (тижорат) фаолият билан машғул бўлади. Учинчидан, тадбиркор мустақил ҳаракат қилади. Ва, ниҳоят, тадбиркорнинг фаолияти мулк шаклига боғлиқ бўлиб, унга кўра (иш) қарор қабул қилади. Юқорида айтилган тушунчаларнинг юридик ҳолатини белгиловчи **шу кабн тафсилотлар келгусида ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган республика фуқаролик қонунлари мажмуасида акс этса,** мақсадга мувофиқ бўлур эди.

К. РАШИДОВ. — Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш темир йўл транспорти соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Шунинг учун ҳам темир йўл транспорти нормалари бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бериши жуда муҳим.

Ҳозирги пайтда темир йўл транспортида амал қилиб келаётган собиқ ССР Иттифоқи темир йўллари Устави (1964 йилда қабул қилинган) ва юк ташиш қоидалари маҳсулотларни эгаларига етказиб бериш мажбуриятларига жавоб бермай қолди. Чунки, масалан, Устав иқтисодий қонуниятга асосланмай, балки маън этадиган идора ёки мажбурий жарима ва тадбирлар мажмуидан иборатдир. Шунинг учун ҳам темир йўлларнинг мақомини белгилайдиган, халқаро ҳуқуқ нормаларига жавоб бера оладиган **темир йўл транспорти тўғрисида қонун** қабул қилиш зарур.

Қ. АБДУЛҲАСАНОВА. — Муҳокамада бўлган асосий қонун — яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахсни ҳурматлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш барча давлат муассасаларининг, жамоат ташкилотларининг ва мансабдор шахсларнинг бурчи эканлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ор-номусларига, ўз ҳаётларига ва соғлиқларига, шахсий эркинликлари ва мол-мулкларига тажовузлардан суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг, давлат ва жамоат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу билан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама бутун чоралар билан қўриқлаш зарурияти тўғрисида қатор мулкий характерда бўлмаган муносабатларни тартибга солиниши ва қўриқланиши кўзда тутилади. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузувчи, ўз ваколатларини суиистеъмол қилувчи, фуқароларнинг **ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкинлиги** Конституцияда асосий ўринни эгаллаши лозим.

Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ. — Янги фуқаролик қонунлар мажмуасида тартибга солиниши лозим бўлган ҳуқуқий қоидалар муфассал ифодасини топиши зарур. Бунда Ўзбекистон Республикасининг муҳокамага қўйилган Конституцияси ва бозор иқтисодиётининг турли соҳаларини тартибга солувчи қонунлардан унумли фойдаланган ҳолда муносабатларни тартибга солувчи қоидалар мужассамлаштирилиши лозим. Бундан ташқари, ўзимизнинг бой тарихий тажрибамиз, яъни ўзбек давлатчилигининг ҳуқуқий меросларидан, амалда бир неча йиллар давомида таркиб топиб, қўлланиб келинган фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг бой тажрибаси ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилик амалиёти Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ёрқин ифодасини топиши зарур деб ҳисоблайман.

Уста боғбон Ҳамро Норқулов ёшлигидан боғдорчилик билан шуғулланади. Айни вақтда, Нишон районидаги «Самарқанд» давлат хўжалигида узум етиштириш билан машғул.

— Хўжалигимиз боғбонлари бу йил режадаги 10 тонна ўрнига 15 тоннадан ортиқ ширин-шакар узум узиб, халқимиз дастурхонига тортиқ этдилар. Бизда асосан оқ тойфи, қизил тойфи, ҳусайни, қора кишмиш, оломонтўйди назли узумлар етиштирилаяпти.

СУРАТДА: тажрибали боғбон Ҳамро бобо Норқулов.
Фахриддин БОЗОРОВ олган сурат.

НОДИРАБЕГИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИГА

СЎЗГА НАҒМАИ СОЗ УЛАНДИ

Яқинда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ўзбек мумтоз шеърияти осмонидаги ёрқин юлдузлардан саналган шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган «Назм ва наво» адабий-мусиқий кечаси ўтказилди.

Кечани олий илмгоҳнинг ўзбек тили ва адабиёти ҳамда Шарқ мусиқаси факультети анъанавий ижрочилик кафедраларининг устозу талабалари ташкил этдилар.

Эл оғзига тушган ардоқли шоирларимиз, навоий-шунос олима Суйима Ғаниева ибораси билан айтганда, Нодирабегим илкидаги қаламни тутган ижодкорлар: Ойдин Хожиева, Қутлибека Раҳимбоева, Зуҳра Алиева, Шарифа Салимовалар кечанинг азиз меҳмони бўлдилар. Байрам ташкилотчиларидан бири, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудираси С. Ғаниева Нодира — Моҳларойим ҳаёти ва ижодининг муҳим қирралари хусусида сўз юритиб, унинг Шарқ аёлларига хос вазминлик, дилбарлик каби фазилатлари ашъорида ҳам акс этганлиги, ғазалиётидаги фироқномаларидаги инсонийлик, вафо, садоқат, муҳаббат мадҳи хусусида таъриф этдилар. Сўзининг ниҳоясида шоиранинг ўзи ҳақида айтган:

Нодиран ғазалсаро
назмини кўрса ногаҳон,
Дурру жавоҳирин қилур
фикрига баҳру кон фидо,

— байтини келтириб, «Нодирасиз ўзбек мумтоз шеърияти, демакки, ўзбек мумтоз адабиёти ҳам кемтик бўлиб қоларди», — деди.

Шоиралар ҳам Нодиранинг бир-бирини такрорламайдиган ижодий қирралари ҳақида сўзлаб, унинг машҳур ғазалларини ўз талқинларида таҳлил этдилар. Айниқса, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиеванинг Нодирабегим ҳақида сўзлаган тўлқинли нутқи, тил байрамига атаб ёзган «Она тилимга алёр» шеъри, Шарифа Салимованинг Нодира ғазалига боғлаган муҳаммаси, Қутлибека Раҳимбоева ва Зуҳра Алиеванинг Моҳларойимга бағишланган шеърлари тингловчиларда ҳаяжонли таассурот қолдирди. Сўз кетидан соз уланди.

Хонанда ва созандалар М. Эрматов, Р. Қосимов, Ш. Раззоқов, Т. Қаҳҳоров, М. Йўлдошева ва Ў. Оллобергановларнинг чиқишлари кўнгилларга илиқлик бахш этиб, олқишларга сазовор бўлди.

Шоирларнинг эзгулик, муҳаббат ва вафони мадҳ этувчи ғазаллари форс, ўзбек, рус тилларида жаранглади.

Йиғилганларнинг нигоҳларига қараб эзгулик ва гўзалликка ташна қалблар бу кечадан бир қадар баҳра олганлигини ҳис қилдим.

Неча асрлардан буён замонлар ва салтанатларнинг қанча тўфонларидан ўтиб, бизгача етиб келган миллий меросимиз қанчалар бой. Адабиётимиз осмонида Навоий, Бобур, Нодира, Увайсий, Зебуннисо, Нозимахоним каби ёрқин юлдузларимиз қанчалар кўп. Улар билан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди. Истиқлол шарофати билан ўзлигига қайтган, ўз Нодиралари, Навоийларини таниган, ардоқлаган халқ ўлмайди. Зеро, миллий қадриятларини ардоқлаб яшовчи инсон қалбида ёт туйғуларга ўрин бўлмайди. Истагимиз, оташқалб ижодкорлар нафаси, улар руҳи билан файзиёб бўлган, қалбларимизда келажакка умид, эзгуликка ишонч туйғуларини уйғотувчи бундай тадбирлар кўплаб ўтказилса.

Ирода ДАДАЖОНОВА.

МИРМУҲСИН
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ШУНДАЙ ДАҲШАТЛИ ЗИЛЗИЛАДИРКИ...

«Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган».
Президент Ислом КАРИМОВ

Илдизи халқдан узилган кимса, у адибми, олимми, давлат арбобими, муаллимми ёки ҳарбийми... сувсизликда қолган дарахтдек тезда қовжираб қурийди. Агар ўртача бир мансабдор бўлса, қўғирчоққа айланиб қоладики, бу кабинетбозни ҳар бир нобакор чалғитиб, йўлдан оздираберади, ўз нияти йўлида фойдаланади. Буни тарихдан яхши биламиз. Кишики ҳар қанча зако бўлмасин, бари бир халққа мурожаат этади, осмонга отилган дўппи бари бир ерга тушади. Алломаларни ҳам халқ бергандир, халқ заковатига чегара йўқ, биз адибларнинг қаламимиз қанчалик чархланган бўлмасин, баъзан отахонларимиздан ошириб бир сўз айтмоқ ғоятда мушкул. Буни халқ дейдилар! Доно кексалар олдида сал-пал андиша билан гапирган, ўпкасини босиб олган ёшларимизнинг садағаси кетсанг арзийди!

«Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинмаган ва у бола ёруғ дунёга келиб ўз ота-онасига биринчи сўзи — «инга» дегандаёқ ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас», дейди Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида.

Бу ҳозирги мураккаб ва масъулиятли жараёнда Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат фақат халқларимиз тинчлигини, келгуси фаровон ҳаётини, илм ва маданият юксалишини кўзда тутаётган сиёсатдирки, фақат **вазминлигу** матонат, чидамакимга меҳнат қилишни тақозо этади. **Вазминлик** сўзига алоҳида урғу бераман. Мутлақо ҳовлиқмаслик, чидам, эртанги кунга умид билан қарамоқ ҳозир сув билан ҳаводек зарур. Афсус, баъзан меҳнатга тоқати йўқ, беқаноат кимсалар ҳам учрамоқда.

Шарқли, ўмровли, чопқир бедов отларнинг боласидай жумҳуриятимиз туғилибоқ ерда ётмай оёққа турди, эркин замин узра тетапоялаб олдинга босмоқда. Уни бутун дунё кузатмоқда, ҳатто Баҳри муҳит (Атлантик океан) бўйидаги юз қаватли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносининг деразаларидан ҳам кузатиб туришибди. Биз ўзимизни ўнглаяпмиз, бундай жараёнда мутлақо халақит мурожаат этмаслик лозим. Вазминлик керак! Ҳатто баъзи масалаларда жумҳуриятимиз жамоли чиройли бўлсин, деб битта эмас, тўртта хол қўйиб, бузиб қўяётганлар ҳам бор. Юқори ташкилотларимизда масъулиятни унутиб, халқ билан гаплашмайдиганлар, ошнаоғайнигарчилик қилаётганлар ҳам топилди, бунинг нимасини яшириш керак! Ҳозир бундай майда нуқсонлардан фиғонинг чиқмай, вазмин бўлмоқ, шайтон васвасасига учмай, ҳар ким ўз ерида ҳалол меҳнати билан банд бўлиб, ишни дўндиргани ғоятда мақбулдир!

Халқнинг аҳволи ёмонлашсин, емакка нону ширинлик, суту гўшт бўлмасин, қимматчилик бўлсин, дейдиган бирон раҳбар йўқ, биз парчаланган катта мамлакатнинг хатолари азобини тортиб, рўзғоримизни янгидан тузаётирмиз, катта қийинчиликларга дуч келаётганимиз ҳаммага маълум. Меҳнат қилмоқдамиз, уйқусиз кечалар, режалару тунларда беҳудуд денгизу океанлар тепасидаги оқ булутларни ёриб учиб, «качка»ларга бардош бериб, ўзга мамлакатлар билан алоқаларни боғлаяпмиз, даромадимизни ошириб, халққа кўпроқ имтиёзлар бермоқдамиз. Бу барчага аён. Ер ости бойликларимизни кескин кураш билан ўз ихтиёримизга олиш, деҳқонлар меҳнатини, юз йил ташиб кетилган ҳосилни жумҳуриятда сақлаш, халқ маданиятини кўтариш, мудофаа қўшинимизни кучайтириш, ўз она тилимизда иш юритиш, ҳаққоний ўз тарихимизни ўргатиш... шунга ўхшаган зарурий ишлар билан бандмиз. Наҳотки, биз қисқа муддатда қилинган қанчалар кўп ишларни кўрмасак?

Ҳа, хўроз ҳамма ёқда бир хил қичқирмоқда... Мана шу «қичқириқ» ўлгур ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Донолар тил топишар, нодонлар ёқалашар, дегандек, бу таранг бир вақтда ғоятда вазминлик лозим, вазмин бўлганлар, ишлаганлар ютиб чиқади.

Марҳумлар айтармишки, тириклар ҳолва еяпти, деб. Йўқ, ҳали жуда ҳам холва ейдиган давр келган эмас. Озгина сабр, қаноат керак. Вазминлик керак, биз албатта ҳолва еймиз, мен бунга ишонаман!

Маҳоратни, иқтидорни ўлдириб бўлмайди! Ҳозир баъзи ўткинчи мансабдорлар ёшларни оқсоқолларга қарши қўяётир — сунъий «мумтозлар» яратмоқчилар... Сунъий йўл билан томошақовоқ олиш мумкин, аммо мумтозларни йиллар яратади. Киши очликка чидаши мумкин, аммо турткилашга, камситишга, фирибгарликка чидолмайди. Бари бир шундай бўлса хам, вазминлик ва бардош керак!

Президентимиз ҳам бир бутун ўзбек халқи, бошқа халқлар билан қардошлик, оға-инилик энг яхши одатларимиздан бири эканини таъкидлаб келмоқдалар.

Улуғ ўзбек шоири Турди-Фароғий бир ярим аср аввал куйиб ёзган мисраларини ҳеч унутмайлик, буюк ўзбек халқининг парчаланишига, бир-биримизга ола қарашга асло йўл қўймайлик.

«Тор кўнгиллик беклар,
манман деманг,
кенглик қилинг!
Тўқсон икки бори ўзбек
юртидир, тенглик
қилинг!»

Ҳа, маҳаллийчилик ёмон иллатдирки, уни охири фожиали ўсимтага қиёс этмоқ лозим. Дарҳол олди олинмас экан, жарроҳ тиғи ишга тушмас экан, пушаймон бўламиз.

Маҳаллийчилик — тупроғимизга тушган эрозия дардидирки, унга мубтало замин ҳосил тугул бўстонни бесамар қилиб қўяди. Маҳаллийчилик — даҳшатли зилзиладирки, қардошлик биноларимизга дарз солиб, путурдан кеткизади, нуратади. Маҳаллийчилик — ҳасад, демак, инсонни юztубан таназзулга олиб боради. Маҳаллийчилик иллатига қарши юракдан бунчалик наърайи радивор тортишимнинг бойси нима? Гўзал вилоятларимиз, қишлоқу шаҳарларимиз инсонлари бебаҳо, бир ота, бир онанинг болалари бир-бири билан иноқ, агар биз иноқ бўлмаганимизда, жумҳуриятимиз мустақиллик бахтига етолмасди. Бизларнинг она тилимиз хароб, ўзликни ҳимоя этмоққа қўшин йўқ, қўй подаларидек бўлардик. Иншоолло, энди ҳамма ниятларимизга курашу меҳнат билан етмоқдамиз. Бунинг учун яратган Тангрига шукр этамиз! Аммо инсоннинг бир елкасида фариштa, бир елкасида шайтон турганидек, ҳали орамизда маҳаллийчилик деган калондимоғлик иллати баъзан-баъзан ўзининг совуқ башарасини кўрсатар экан, кескин курашимизда, мустақиллигимиз йўлида у ғов бўлаётгани ҳаммага аёндир, унинг умри узоқ бўлмасин, илоҳим! «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва идрок билан меҳнат қилмоғи керак» (Президент Ислом Каримов).

Маданият арбобларига, айни вақтда ёзувчиларга давлатимиз, Президентимиз ғамхўрлиги бениҳоя катта бўлмоқда. Бундан фақат қалби қора кимсалар норизо бўлиши мумкин. Лекин адиб кишининг ёши бир ерга боргач, сен «пенсионерсан, четга чиқ!», деб жумҳурият ишларига аралаштирмаслик (баъзи мансабдорлар шундай қиляпти) — бу, Президент томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлигу меҳрибонликни атайин бузиш демак. Ёзувчи сўнгги нафаси чиққунча ёзади, фақат уч-тўрт кун врачлар халоватини бузишни ҳисобга олмаганда. Пенсионерлик ёзувчига нисбийдир. Лутфий, Ҳабибий 90 ёшда ҳам ижод қилган, Шайх Саъдийни 110 ёшда ўлдириб кетмаганларида у яна ғазал ёзарди балки... Лев Толстой «Тирилиш»ни қариликда ёзган, мункиллаб юрганида ҳам халқ ва давлат ишларига аралашган, уни бир чеккага итариб қўймаганлар. Ўзимизнинг улуғ Мир Алишер Навоийни ҳам пенсияга чиқдинг, жим ўтир дейишган эмас, Султон Ҳусайн Бойқаро уни халқу давлат ишларига аралаштирган... Вафоти ҳам халқу давлатга садоқат йўлида бўлди.

Биз, ҳозирда ҳаёт юрган адиблар кўп оғир йўлларни, яхши-ёмон кунларни бошимиздан кечирганмиз. Ватан муҳаббати ҳамма вақт қалбимизни қуёшдек ёритган. Йўлимиздаги тўғаноғу хору хасларни тепиб ташлаб, халқ иши, мамлакат ишига аралашаверамиз, ғов бўлган ёмонларни Оллоҳнинг ўзи жазосасин!

Вазминлигу зако бизни албатта яхши кунларга етказади.

(Муаллиф илтимосига кўра қалам ҳақи «Халқ сўзи» обуна фондига ўтказилади).

БОШҚАРМАДАН КОНЦЕРНГА

ҚАШҚАДАРЕ вилояти маҳаллий саноат бошқармаси концернга айлантирилди.

ЯҚИНДА бўлиб ўтган маҳаллий саноатчилар таъсис қурултойи қатнашчилари маҳаллий саноат концернининг дастурини қабул қилдилар, вазифаларни белгилаб олдилар.

Дастурга кўра, маҳаллий саноат концерни тадбиркор кишиларнинг кичик корхоналари билан бирга хусусий саноат корхоналарини ҳам бирлаштириб, уларнинг ривожланиши, кўпайишига раҳбарлик қилади.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБУНА–93

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Фақат «Ахборотнома»дагина Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган қонунлар, қарорлар, уларга киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорлари, республика маъмурий-ҳудудий бўлинишидаги ўзгаришлар мунтазам эълон қилинади.

«Ахборотнома» ўзбек ва рус тилларида ҳар ойда нашр этилади.

ОБУНА БАҲОСИ:
бир йилга — 360 сўм;
олти ойга — 180 сўм;
уч ойга — 90 сўм;
бир ойга — 30 сўм.
НАШР ИНДЕКСИ: 75220.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

«ХАБАРНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўп қиррали фаолияти ҳақида кундалик газета ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига мунтазам равишда маълумотлар бериб борилади. Президент фармонлари, ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатига оид бошқа муҳим ҳужжатлар ҳам ўз вақтида халққа маълум қилиб турилади. Президентнинг матбуот хизмати ходимлари томонидан тайёрланадиган ва ҳар чоракда чиқадиган «Хабарнома»га («Пресс-бюллетень») ана шу ҳужжатлар жамланган. Бу Президент Фармонларининг бажарилишига масъул идоралар — турли вазирликлар ва концернлар, ҳокимликлар, назорат қўмиталари, суд, прокуратура ходимлари ишини осонлаштиради; бошқарув ва ижрочи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Ҳозиргача «Хабарнома»нинг олтита сони чоп этилди. Яқинда босмадан чиққан 6-сони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашувдаги нутқи баёни билан очилади. Ушбу нутқда республика ҳукуматининг мустақиллик даврида қадрлар сиёсати тўла ўз аксини топган; буни маълум маънода дастурий аҳамиятга молик ҳужжат деб ҳам баҳолаш мумкин.

Шу йилнинг апрель, май ва июнь ойларида Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия Республикасида расмий сафарда бўлиб, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир муҳим ҳужжатларни имзолади. Бу ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ва Ўзбекистон билан Қозоғистон Республикалари ўртасида тузилган шартномалар ҳам журналнинг 6-сонидан ўрин олган.

Маълумки, шу йилнинг апрель-июнь ойларида Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэл ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф жаноблари республикамизга ташриф буюрган эдилар. Албатта, мазкур ташрифлар Қозоғистон, Ўрта Осиё республикалари, Туркия, Эрон ва Покистон ҳукуматлари раҳбарларининг 9—10 майдаги Ашгабат учрашуви руҳига ҳамоҳангдир. Уларда имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ортиб бораётганини кўрсатади.

Журналнинг ушбу сонида Президент фаолиятига доир бошқа ахборотларга ва фотосуратларга ҳам кенг ўрин берилган.

Одатдагидек, «Фармонлар» бўлими журналнинг салмоқли қисмини эгаллайди. 1992 йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган фармонлар шу бўлимда жамланган.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: 1993 йилдан бошлаб «Хабарнома» эркин обуна асосида тарқатилади.
Нашр индекси — 75453.
Бир йиллик обуна баҳоси — 233 сўм.
Барча матбуот тарқатиш бўлимларида журналга обуна қилиш давом этмоқда.

Сўнгги жаҳонда кўринг

Душанба, 9. XI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Рекс—ҳайвон ўргатувчи», «Рекс—шифокор». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Чолғу куйларидан концерт.
19.40 «Замондош билан учрашув». Қудрат Парпиев.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат ҳабарлари.
21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурдонаси».
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Ҳамшаҳарлар».
21.15 «Билиб қўйган яхши».
21.30 Исмоил Ғуломов куйлайди.
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.20 «Тўй айбланади». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 9 ноябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 6.50 дан 16.00 гача ЎзТВ I канали орқали намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

6.50, 16.00, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.55 Эрталабки гимнастика.
7.10 Мультфильмлар.
7.55 «Якунлар».
8.40 «Кўринг, тингланг...».
9.00 «АБВГД — ЛТД» телесериалининг премьераси. 5 ва 6-сериялар.
9.50 «Сиз бунга қодирсиз».
10.30 «Око» студияси таништиради. «Тантанавор юриш». Телефильм премьераси («ЛСДФ» студияси).
11.40 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 17-серия.
12.05 «Сахалин-92». Болалар телевидениеси ассоциацияси.
12.45 Киноҳақиқатми! «Буюк граждан». Бадиий фильм. 2-фильм. Танаффус пайтида (15.00) — Янгиликлар.
16.05 «Технодром».
16.15 «Николай Казаковнинг ушалмаган орзуси». Телефильм премьераси (Франция). 3-фильм.
17.15 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-фильм.
17.45 «Банкчининг ён дафтаридан».
18.15 «Оломоннинг бошида». Телефильм премьераси. 3-фильм — «Эгизаклар — опасингиллар».
18.45 Мультфильм.
18.55 «Иқболи кулганда».
19.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Севимли Раджа». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Севимли Раджа». Бадиий фильм. 2-серия.

«Янги студия»
таништиради

22.45 «Бомонд».
23.00 «Джем-сейшн».
23.25 «Бироқ».
23.35 «Биз».
23.40 «Вазият».
00.35 «Қингир-қийшиқ эфир».
00.55 «Евгеник ва...».
01.05 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.45 «Поезд икки дақиқа тўхтаб туради». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Маза, таътиллар. «Нотаниш йўлкаларда». Бадиий фильм.
9.30 «03» программаси.
10.00 «Олисдан эшитилиб турарди». Ҳужжатли фильм.
10.25 «Сиз яратган боғ».
10.55 «Ҳали англанмаган коинот».
11.25 «Келинг, жамулжам бўлиб...».
12.25 Ифодалаш санъати. «Муссаввирни қандай тасвирлаш мумкин?».
12.55 «Пилигрим».
13.40 «Маски-шоу».
14.30 «Бурда моден» таклиф этади...».
15.00 «Вариацияли мавзу». Тамара Гвердцители концертида.
16.00 «Сизнинг ҳуқуқингиз». 1-кўрсатув. В. Савицкий олиб боради.
16.55 «Тилла шпора».
17.25 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Душанба куни детектив. «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
20.30 «Қуён гўшти». Мультфильм.
20.40 Эълонлар.
20.45 Спорт кўрсатуви.
20.50 «Ҳақиқат онлари». Андрей Караулов саволларига Мария Миронова жавоб беради.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Сешанба, 10. XI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Вақтинчалик йўқолган». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғинч».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 Милиция ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
20.10 «Сато». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Телефильм.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 «02» тўлқинида.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 11.55, 15.20, 18.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.15 «Рок-сабоқ».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Громовлар».
13.40 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 К. Вебер. «Оберон» операсига увертюра.
16.25 «Уолт Дисней таништиради...».
17.15 Бизнинг мусиқий клуб. «440 герц».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
18.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Комедиантлар». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
22.35 «Илҳом манбалари».
23.05 «Талаб қилинган кино».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.45 «Сиз яратган боғ».
10.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.30 «Келинг, қўлни-қўлга берайлик...». Н. Никитский.
11.45 Мульти-пульти. «Эзгуликдан нима фойда?».
11.55 Кундузги сеанс. «Судланувчи». Бадиий фильм.
13.20 «Йўқолган қуён ҳақида иш». Мультфильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

15.45 Телебиржа.
16.15 «Трансросэфир».
16.45 Янгиликлар.
17.00 Теннис. «Кремль кубоги».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «К-2» таништиради: «Халқ франки». «САС», «Асса». Бадиий фильм.

Чоршанба, 11. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ёр ва диёр тароналари». Дилрабо концерт.
8.05 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 «Ёшлик» студияси савопларингизга жавоб беради.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Геометрик оптика қонунлари.
11.00 «Асрлар оҳанги». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўрта Осиёнинг қўлларни ва ерости сувлари.
12.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қуён оғаникида ҳовли тўйи». Мультфильм.
18.30 «Дирижёр ҳикоя қилади».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фармон ва ижро».
19.55 Дуторчи қизлар ансамблининг яккахони Раъно Бўронова куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Мулоҳаза». «Маъмура кампир». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Жаҳон бўйлаб». Франция.
20.40 «Билим сарчашмалари».
21.10 «Уй-жойларни хусусийлаштириш».
22.00 Тижорат канали. «Ўзбекистон саноат қурилиш банки: кафолат ва меъёр».
22.10 «Кинотриада».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Бизнинг мусиқий клуб. «440 герц».
11.30 «Ассоциация». Телефильм.
11.50 Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Анфиса».
13.40 «Ҳали қор ёғмасдан...». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
17.15 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Вагон-03».
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Кимёвий қурол сири».
20.00 «Капитан ҳали қайтиб келади. В. Фетисов билан учрашув».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Комедиантлар». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 «Останкино хит-паради».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Ҳали қор ёғмасдан...». Телевизион бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 11 ноябрь куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 15.55 дан бошлаб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 «Сигнал».
16.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Теннис. «Кремль кубоги».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Бизнес ва сиёсат.
23.20 Спорт кўрсатуви.
23.25 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
23.40 Россия Конституцион суди залидан.
00.10 Теннис. «Кремль кубоги».

Пайшанба, 12. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Халқ куйлари». Телефильм.
7.55 «Соҳиллар». Бадиий фильм.
9.25 Турк тили.
9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Илдиз—ўсимликларнинг асосий органи.
11.00 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўрта Осиё ҳудудида феодал жамиятининг шаклланиши.
12.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Умид учқунлари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Типратикан билан тошбақа». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ҳуқуқий давлат сари».
19.50 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
20.00 Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Шалола» ансамблининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Малайзия киносанъати». Ўзбекистонда Малайзия киноси ҳафталиги якунларига бағишланади.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Отпускага чиқолмадик». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экологик кундалик.
19.40 «Мусиқий дақиқалар». Гулнора Назарова чалади.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.30 «Паҳлавоннинг қалби», «Кекса эртакчининг рубоийлари». Мультфильмлар.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Хоинлик».
13.25 «Қора замбарак» билан содир бўлган можаро». Бадиий фильм (Хитой).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Янги номлар». Концерт.
17.15 Болалар учун фильм. «Шарча эса учарди...».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Жамоатчилик фикри».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Бир қайиқда икковлон». А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари ҳақида.
21.40 Милиция кунига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.20 «Қора замбарак» билан содир бўлган можаро». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Бизнес ва сиёсат.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сурватга олаяпман».
10.00 «Тилла шпора».
10.30 «03» программаси.
11.00 «Ифтихор ҳуқуқи».
11.30 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 98-серия.
12.50 «Чашмалар».
13.20 Мульти-пульти «Ширин сайёра».
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

16.05 «Бозорни ўрганамиз».
16.35 «Бадабони». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.55 Янгиликлар.
17.10 Теннис. «Кремль кубоги».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Тарих ва жуғрофиядан очиқ дарс».
23.10 Спорт кўрсатуви.
23.15 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
23.30 Россия Конституцион суди залидан.
24.00 Теннис. «Кремль кубоги».
00.30 «Шайтон васвасаси» Тенесси Уильямснинг «Миссис Стоуннинг Рим баҳори» киссаси мавзуларига ёзилган фантазиялар.

Жума, 13. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Табиат—ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
8.25 «Полвон ва қизиқчи». Бадиий фильм.
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ҳужайрада энергия алмашинуви.
11.00 «Томоша». Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи ҳамда аҳамияти.
12.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Дўстлар». Мультфильм.
18.25 «Қадрият».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тараққиёт омиллари».
19.50 «Хотира». Усмон Носир таваллудининг 80 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Эҳтиёт бўлинг, бува». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Дангасалар кўйлаги». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт». Телеканал.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).
21.25 «Ата журт» (давоми).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Қор тегирмон». Мультфильм.
10.25 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.15 «Замондошлари Л. Коган ҳақида».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Инқироз».
13.35 «Мушук Леопольднинг туғилган куни». Мультфильм.
13.40 «Деразадаги нур». Бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Низомиддиновлар оилавий ансамбли ижро этади (Тошкент).
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Вагон-03».
18.50 «Ҳарбий ревю».
19.20 «Инсон ва қонун».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «Ҳукм этилган». Бадиий фильм.
23.00 А. Майкапар чалади (клавесин).

«ВИД» таништиради

23.15 «Сиёсий бюро».
23.50 «Музобоз».
01.05 «Ҳафтада танилган киши».
01.20 «Сталлоне-шоу». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Тарих ва жуғрофиядан очиқ дарс».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.55 «Шайтон васвасаси». Тенесси Уильямснинг «Миссис Стоуннинг Римдаги баҳори» киссаси мавзуларига ёзилган фантазиялар.
10.55 Вариацияли мавзу. «Тушкунликка тушманг, поручик Голицин ..».
11.50 «Қуён гўшти». Мультфильм.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 99-серия.
12.50 «Чеховга меҳр-муҳаббат билан».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга таллуқли масала».

* * *

15.45 Телебиржа.
16.15 Трансросэфир. «Аҳволлар қалай, Уфа?»
17.00 Теннис. «Кремль кубоги». «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади.
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Ёввойи Джен». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 «Иркит қуёнча». Мультфильм.
20.10 «Ҳар бир кун байрам».
20.20 Спорт кўрсатуви.
20.25 «Тор кўча». Бадиий фильм.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 1-фильм—«Сталин ва ҳокимият».

*

23.20—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 14. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
9.35 Болалар учун телетеатр. «Уч оға-ини ботирлар».
10.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Узингни эр билсанг...».
11.25 «Ўзбекистон спорти».
11.55 «Алифбо сабоқлари».
12.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.25 Тижорат канали. «Тараддуд». Телеочерк.
13.55 «Аёл қадри». Хоразм вилояти хотин-қизлари фаолиятига бағишланади.
14.40 В. Гюго. «Қироллнинг дилхуши». Видеоспектакль.

* * *

18.00 «Беодоб бола», «Кумуш қўнғироқгул». Мультфильмлар.
18.30 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сумалак» рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Уйимизда тинчлик, осойишталик бўлсин».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
23.00 «Ишдаги ишқ можароси». Бадиий фильм. 1-серия.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

7.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга». «Бамси». Кўп серияли мультфильм премьераси [Швеция].
9.25 «Ўз-ўзингга мадад бер».
10.05 «Тарихий этюд». Д. Хармс асарлари асосида мультпамфлет.
10.10 «Шанба кунги дастхат».
10.40 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
11.10 «Услуб».
11.40 «Дело».
12.10 «Авиакосмик салон».
12.25 «Тасвирдаги суврати». И. Кириллов.
13.10 «Мусиқий дўкон».
13.40 «Мультпамфлет».
13.50 «Николай Казаковнинг ушалмаган орзуси». Телефильм премьераси. 4-серия.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Зазеркалье». «Қийшиқ кўзгулар қироллиги». Бадиий фильм.
17.10 «Мультпамфлет».
17.05 «Қизил квадрат».
17.45 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
18.10 «Бахтли тасодиф».
19.10 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Тулки ови».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Элдар Рязанов ҳаётидан бир неча саҳифалар.
22.25 «Қойил».
3.45 «Рамонак» (Минск) фольклор триоси куйлайди.
24.00 Янгиликлар.
00.35 Охирги киносеанс. «Бурдалаковлар оиласи». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 Параллеллар. «Форте» болалар студияси ҳамон ишламоқда».
9.15 «Ислоҳот-блюз».
9.50 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.05 «Бумеранг».

*

11.50—15.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Ягона оилада».
«Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Безнен мирас» (татар тилида).
«Цирк! Цирк! Цирк!».

*

15.00 Теннис. «Кремль кубоги».
15.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.30 «Кузирхоним».
17.00 «Чегарасиз футбол».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 «Америка юлдузлари».
20.10 «Ҳар бир кун байрам».
20.20 «Светик». Бадиий фильм.
21.35 Катталар учун мультфильм.
21.50 Спорт кўрсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Қарама-қаршиликлар».
23.05 «Ассорти». Мусиқий дам олиш томошалари.

*

23.35—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Якшанба 15. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Сулола». Иномжон Мамадалиев концерти.
7.40 «Фермерлар». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
10.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар».
12.10 «Саломат бўлинг!».
12.30 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
12.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Олтин ялпоқча». Видеоканал.
14.45 Тижорат канали. «Қўлларим рулда». Тошкент шаҳарларараро автокорхонасининг 60 йиллигига бағишланади.

* * *

18.00 «Алдар Кўса», «Содиқ дўстлар». Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Телефильм.
19.30 «Мусиқа жавони».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Ишдаги ишқ можароси». Бадиий фильм. 2-серия.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Жилаажин»; «Шоорой»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 «Бахил». Мультфильм.
18.15 Қирғизистон Республикаси Ёшлар уюшмасининг совриндори Эсен Нурманбетова куйлайди.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Театр учрашувлари» (рус тилида).
20.30 «Омурдук 80-жази». Ҳужжатли телефильм («Қирғизтелефильм»).
21.00 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.20, 19.05, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Око» студияси таништиради: «Император Александр III ёдгорлиги ҳақидаги иш». Ҳужжатли фильм премьераси («Леннаучфильм»).
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида».
10.30 «Тонг юлдузи».
11.20 «Пи» белгиси билан.
12.10 «Бармоқлар қандай аралашиб қолишди!». Мультфильм.
12.15 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 18-серия.
12.40 «Янги авлод танлайди».
13.30 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.40 «Кўсто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.30 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Гипподром».
15.25 «Қойилмақом еттовлон».
16.20 «Уолт Дисней таништиради...».
17.10 «Телелоция».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Саёҳатчилар клуби».
18.50 Янгиликлар.
19.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
19.50 «Биринчи матбаачи Иоаннинг ихтироси». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (М. Горький номли киностудия).
21.05 «Тоска» меъморчилик ёдгорликларида». РАИ телекомпаниясининг фильм-операси (Италия).
22.00 «Якунлар».
22.45 «Тоска» фильм-операсининг давоми.
00.05 Янгиликлар.
00.45 «Деразадаги нур». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Овсар бўри», «Иркит қуёнча». Мультфильмлар.
8.40 Рақс марафони.
9.25 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
9.55 «Олти сотих».
10.15 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 12-серия.
10.45 «Ати-бати...».
11.15 Телекроссворд. «Мувбиржа».
11.45 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 10-серия.
12.00 Телевизион текширув бюроси. «Коррупция».

*

12.55—16.05
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Умид» (уйғур тилида).
«Бурч» кўрсатуви.
«Дўстлик экрани».
«Чисен» (корейс тилида)
«Қудратимиз — дўстликда».

*

16.05 «Чакана киши эмас».
16.30 «Познер ва Донахью».
17.00 «Ҳайвонот оламида».

*

18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Чангалзорлар китоби».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 1-фильм—«Иосиф Сталиннинг махфий полициясы».
23.20 «Эс-Эн-Си» тунги клуби.
00.20 Спорт кўрсатуви.
00.25 Теннис. «Кремль кубоги».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 6 ноябрь сонидан олинди.

ЭЪЛОН

OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America and the American Embassy in Uzbekistan announce the **EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM** (formerly the Benjamin Franklin Fellowship Program) for graduate study and professional internships in the USA, leading towards a degree or certificate form a U. S. institution; and non-degree graduate study and professional training internships in the USA for those with a minimum of two years professional work experience in the field of specialization for which they are applying.

Fields: BUSINESS ADMINISTRATION, LAW, PUBLIC ADMINISTRATION, ECONOMICS

Competition for the EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM is merit-based and open. Anyone meeting the criteria listed below is eligible to apply:

Applicants must:
--- Be citizens of **Uzbekistan** as well as Armenia, Azerbaijan, Belarus, Estonia, Georgia, Kazakhstan, Kirgyzstan, Latvia, Lithuania, Moldova, Russia, Tadjikistan, Turkmenistan, and Ukraine;
--- Lack funding to study in the United States;
--- Be under the age of 40;
--- Hold an undergraduate degree (five year program) with good academic standing;
--- Hold a degree in law if applying for the law program;
--- Demonstrate proficiency in written and spoken English at the time of application;
--- Demonstrate professional aptitude and leadership potential in their field of specialization;
--- Have a minimum of two years of professional work experience if applying for the one-year professional development program;
--- Be able to begin studies in the United States in August 1993;
--- Make a commitment to return to their own country for a minimum of two years following completion of their program if awarded an EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP.

Participation in the EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM is contingent upon the ability to obtain and maintain a U. S. visa.

Individuals who fall into any of the following categories are **not eligible** for the EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM:

--- individuals married to U. S. citizens
--- individuals enrolled in U. S. academic programs
--- individuals earning a living or a salary in the U.S.

The **EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM** does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap, or disability.

Support for the Program is provided by the UNITED STATES INFORMATION AGENCY.

The Program is administered by: The American Council of Teachers of Russian/American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACTR/ACCELS), The Institute of International Education (IIE), The International Research and Exchanges Board (IREX), and The Soros Foundation.

Further information and instruction about how to obtain applications may be requested from:

U.S. INFORMATION SERVICE,
EMBASSY OF THE U.S.A.
Chilanzarskaya ul. 82
700115 Tashkent, Uzbekistan

Telephone: 77-14-07

Completed Applications for the **1993 EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM** must be received by **NOVEMBER 27, 1992.** Early submission of applications is encouraged.

«ДЕНОВНИНГ ДОВРУҒИ СЎНМАЙДИ!»

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Маънавият учун сарфланган маблағ ҳеч қачон куймайди. Биз бу ҳаракатнинг ташкилотчиларига миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз. Шу муносабат билан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим: Деновда бошқа нашрларга муносабат қандай?

— «Халқ сўзи» Олий Кенгаш ва ҳукуматнинг нашри бўлганлиги учун бизга аҳамиятли. Ҳозир мен газетанинг мазмуни, мундарижаси ҳақида гапириб ўтирмайман. Хоҳлаганча истак билдириш мумкин. «Ўзбекистон овози», «Туркистон» газеталарига ҳам қизиқиш катта. Обунани ташкил этиш чоғида вилоят «Сурхон тонги», район «Чағониён» газеталари нусхасини кўпайтиришга ҳам катта эътибор бердик. Масалан, маорифчилар «Халқ сўзи»нинг 600, «Чағониён»нинг 1900 нусхасига обуна бўлишди.

— Ҳар куни бир районга йигирма-ўттиз минг нусхадаги газетанинг келиши бесамар кетмайди. Нима бўлганда ҳам Деновнинг довруғи бутун Ўзбекистонга маълум.

— Мен асли деновлик бўлсам-да, аммо кўп йиллар вилоят бошқарув идораларида, турли районларида ишладим. Деновнинг бошқа районларга мутлақо ўхшамаслигини ундан узоқда юрган йилларим билдим. Олтмишинчи йиллари Денов районидан бир йилда саккиз нафар Меҳнат қаҳрамони чиққан эди. Уларнинг ҳаммаси деҳқонлар, деҳқончиликка дахлдор кишилар эди. Шундан ҳам билингки, Деновда деҳқончилик маданияти юқори. Чунки у чўл тугаб тоғ олди адирликлари бошланадиган жуда қулай минтақада жойлашган. Масалан, бу ерда илгарилари шакарқамиш ўстирилар эди. Шаҳар марказидаги дендрарийда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган дарахтлар ўстирилмоқда. Менинг назаримда, географик ўрин, об-ҳаво, сув ҳам истиқоматчиларнинг табиатини белгилайдиган муҳим омиллар ҳисобланса керак.

Деновликлар деҳқончиликка уста халқ. Бундан бир-икки йил илгари деновликлар шахсий томорқаларда 50—60 минг тонна эртаги карам етиштириб, уни Россиянинг совуқ ўлкаларига қиммат нархда пуллашар ва ана шу тарика шундоқ ҳам яхши бўлган иқтисодни янада мустаҳкамлаб олар эдилар. Кейинги пайтларда эртаги карам ўрнини эртаги чилги пиёз эгаллай бошлади.

Деновда хурмозорлар кўп. Тажриба ва кузатишлардан шу нарса маълум бўлаяптики, хурмо яхшилаб парвариш қилинса Ўзбекистоннинг жуда кўп вилоятларида ҳам бемалол ўсаверар экан. Аммо у Деновда ниҳоятда кўп ва бу ерда унинг жуда кўплаб кўчати етиштирилади. Ана шунинг ўзи ҳам деновликларнинг ишбилармон, уддабуронлигидан далолат.

Амир Темур бобомиз Фаранг қиролига ёзган хатида «Дунё тижорат ила ободдур!» деган эканлар. Денов довруғини Ўзбекистонга ёйган омиллардан яна бири бу ерда савдосотиқнинг жуда тараққий этганлигидир. Денов бозори Сурхондарёда ягона ҳисобланади. Бу ерда ҳафтасига уч кун бозор бўлиб, нафақат қўшни вилоятлардан, балки бу ёғи Тожикистондан, у ёғи Туркманистондан келишади.

Шу ўринда яна бир ҳолатни алоҳида таъкидламоқчиман: Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлганларидан сўнг ҳар юртни ўз эгаларига берди. Масалан, Деновда шу пайтга қадар бironта деновлик биринчи раҳбар бўлмаган. Ҳаммаси бошқа ерлардан таклиф қилинган. Мана, биз ҳам бошқа ерларга раҳбарлик вазифаларига юборилганмиз, аммо Деновга эмас. Ислом Абдуғаниевич Президент бўлганларидан сўнг хўжаликни бошқариш тартиблари тубдан ўзгартирилди.

Мен Деновга ишга келганимда ўзимча олдимга бир неча вазифаларни қўйган эдим. Шуларнинг биринчиси шаҳарни тўлиқ канализация қилиш! Бу иш асосан тугалланди. Иккинчиси — газлаштириш! Ҳозир шаҳардаги етмиш фоиз хонадон табиий газдан баҳраманд. Учинчиси — Денов қўрғонидан мол бозорини кўчириш! Яқинда унинг ҳам уддасидан чиқдик — мол бозори Қизил сув дарёси бўйидаги алоҳида жойга кўчирилди. Жуда кўп йил шаҳардаги Денов қўрғони мол бозор вазифасини ўтаб келган эди. Натижада қадимий ёдгорлик нураб вайрон бўлди. Бу улкан шаҳар — қўрғоннинг икки қатор девори бўлиб, унинг устидан тўп ортилган ароба юрар экан. Тарихчилар бу қўрғоннинг ёшини бир юз йилдан нарига ўтказишмайди. Академик Пугаченкова эса олтмишинчи йиллари қўрғоннинг нураган деворлари тагидан эрамиздан илгари ясалган сопол идишларни топган эди. Нима бўлганда ҳам Денов қўрғони — бизнинг ўтмишимиз.

Гап қадриятларимиз ҳақида кетар экан, шаҳар марказидаги САИД ОТАЛИҚ мадрасасида олиб борилаётган таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида тўхталмоқ керак. Ўн бешинчи асрнинг ноёб ёдгорлиги ҳисобланган икки қаватли бу иморатнинг кўрмаган куни қолмади. Бундан кўп йиллар илгари у жуда нопок жойларга айлантирилган экан. Деновга ишга келганимдан сўнг имкон қадар таъмирладик. Тартибга келгандан сўнг бу иморатнинг соҳиблигини Луқмонхон деган ҳожи бувага топширдик. Ҳозир бу мадрасада уч юз нафардан зиёд ёшлар ислом илмини ўрганмоқдалар. Биз ўтмишни — кечаги кунимизни жуда кўп йиллар оёқости қилдик. Бугун ўз қадриятларимизни тиклаётган эканмиз, бунинг учун биринчи навбатда Президентимиздан миннатдор бўлмоғимиз керак. Халқимиз ўртасида Президентимиз мартабасининг юқорилиги ҳам ана шунда. «Октябрь 50 йиллиги» колхозимизга Шароф Рашидов номини бериш тўғрисидаги мулоҳазаларимизни айрим ўртоқлар билан муҳокама қилганимизда кўпчилик «Қандоқ бўлар экан?» деб шошиб қолган эди. Аммо биз ўз фикримизда қатъий турдик — ваколатли маҳкамалар ҳам бизни маъқуллади. Яқинда мазкур хўжаликда Шароф Рашидовнинг бюсти ўрнатилади.

— Эшмурод ака, қадриятларимизнинг тикланаётганлиги ҳаммамизни ҳам хурсанд қилади. Бу ишларнинг ҳаммаси яхши. Аммо Ўзбекистон худди бошқа республикалар сингари оғир иқтисодий тангликни бошдан кечирмоқда. Танқислик ҳаммасидан ошиб тушяпти. Иқтисодчи-тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бу йил ҳам пасайиб кетар экан. Деновда қандай бўлади?

— Ҳамма жойда бўлгани сингари Деновда ҳам пахта асосий экин. Аммо биз бу йил ғаллага кўпроқ эътибор бердик. Натижада 12 минг тонна бошоқли дон етиштирилди. Шунинг тўрт минг тоннасини давлатга топширдик. Қолганининг бир қисмини ишлаб чиқариш нархида одамларга сотдик. Бундан ташқари, томорқаларда ҳам кўп миқдорда бошоқли дон етиштирилади. Ана шуларнинг ҳаммаси қўшилиб ун танқислигини бир қадар юмшатмоқда. Ҳар бир хўжаликда икки-учтадан тегирмон ишлаб турибди. Икки йил мобайнида Президент қарорига мувофиқ қарийб 3 минг гектар майдон шахсий томорқа учун берилди. Деновликлар бу ерлардан уч мартадан ҳосил олишмоқда. Ўзингиз биласиз, шахсий хўжалик ривожланса, давлат сектори ҳам ўсади.

Энди пахта ҳақида. Илгари гидрогеологлар харитасида «Денов юрчи ботқоқлиги» деган жойлар бўлар эди. Ҳозир ўша ботқоқлик йўқ. Унинг ўрнида ҳар йили 45 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилмоқда. Ёзнинг салқин келиши, кетма-кет ёмғирлар пахтакорларимизни қийнаб ташлади. Ўн минг гектардан зиёд майдон бузиб экилди. Беш минг гектар ер эса учинчи ва тўртинчи марта бузиб экилди. Охирларига бориб уруғлик учун мутлақо яроқсиз чигит экилди. Буларнинг ҳаммаси ҳосил салмоғига таъсир қилди. Аммо биз бўш келганимиз йўқ. Кўп йиллик тажрибалардан шу нарса маълумки, салқин келган йиллари ботқоқ ўрнидаги пахта майдонларида ҳосил бошқа жойларга қараганда сал камроқ бўлади. Аммо бу — режалар бажарилмайди дегани эмас. Биз бировдан олдин, бировдан кейин бўлса ҳам албатта режани бажарамиз.

— Эшмурод ака, Деновда «Халқ сўзи»нинг тўрт минг нафардан знёд муштарийси борлиги барибир одамни хурсанд қилади. Мен бу ерда сизнинг алоҳида хизматларингизни таъкидлаб ўтирмоқчи эмасман — шундоқ ҳам бизга маълум. Бизга қандай истакларингиз бор?

— Республика матбуоти Деновни кўп танқид қилади. Бу — яхши. Аммо Деновда яхши ишлар ҳам кўп. Чунки яхшини яхши десанг...

Суҳбатдош:
Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲОСИЛ-92

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Мустақил республикамизнинг баракали хирмони учун кураш ҳал қилувчи боскичга кирган айни долзарб кезларда турли соҳа аҳли ҳам баҳолиқудрат пахтакорларга ёрдам беришга отланган. Жумладан, Ўзбекистон Адлия вазирлиги уюштирган тарғибот гуруҳи яқинда Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Деҳқонобод» давлат хўжалиги пахтакорлари ҳузурига ташриф буюрдилар. Вазирликнинг бўлим бошлиғи Меҳмонали Ниёзов, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик олийгоҳининг илмий ходими Сотиболди Бобоқулов, Адлия вазирлиги қошидаги Маликахон Раҳимова бошлиқ «Ширинжон» эстрада дастаси билан пахтакорларнинг мулоқоти ҳаяжонли ва эсда қоларли бўлди, дейиш мумкин. Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли» рисоласи юзасидан ошкора фикрлашувлар бўлди. «Ширинжон» эстрада дастаси дастуридан жой олган ўзбек, тожик, афғон, эрон, араб, ҳинд қўшиқлари ва рақслари йиғилганлар қайфиятини кўтариб, уларни унумли меҳнатга чорлади.

Дарҳақиқат, «Деҳқонобод» — иқтисодий бақувват, сертармоқ ва сердаромад хўжаликлардан бири. Обҳаво мураккаб келган бу йилги шароитда ҳам хўжалик аҳли тадбиркорлик билан иш юритиб, мавжуд 1350 гектар ерда режани қоплайдиган даражада ҳосил тўпладилар. Терим машиналари ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш самараси ўлароқ, хўжалик вилоятда илғорлик қилмоқда. Яқинда 3 минг 100 тонналик хирмон тикланади.

— Республикамиз Президенти И. Каримовнинг пахта харид нархини ошириш тўғрисидаги фармони айни муддао бўлди, — дейди хўжалик директори, уста пахтакор Абдураззоқ Нажмиддинов. — Энди пахтакор меҳнати юксак қадр топишига ишончимиз ҳар томонлама ошмоқда. Ана шу ишонч мустақил республикамизнинг катта хирмонига қўшажак ҳиссамизнинг салмоқдор бўлишига омилдир.

Жумабой ҚОСИМОВ.

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

• *Муштарий муаммо кўтаради*

ҚУРИЛИШМИ, ҚУСУРЛИ ИШ!

ЕКИ ЯНГИ УЙНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ ХУСУСИДА

Бу икки тушунча ёзувда бир-бирига нақадар ўхшаш! Баъзи ҳарфларни остин-устун қилиш билан «қурилиш» сўзи «қусурли ишга осонгина айланаркан-қоларкан. Ҳаётда-чи! Шаклдан моҳиятга ўтганимизда ҳам худди шундай ҳолга дуч келармиканмиз! Таассуфки, азал котиблари бу сўзларни беҳудага уйқаш битмамишлар. Қурилиш ғорат қилинса, қусурли иш бўларкан.

Биз, Тошкентнинг «Госпиталь» мавзесидаги 8-уйнинг соҳиблари жумҳуриятимиз мустақиллигининг биринчи йилида янги бошпанага муяссар бўлдик. Ушбу ҳодиса ҳаммамизга чексиз қувонч келтирди. Ҳар бир хонадон эгасининг юзи, кўзи, кўнгли шукроналик, миннатдорлик руҳи билан мунаввар эди. Ана шу туйғулар андишаси туфайли янги уйга қадам қўйиб, дуч келган қусурли ишлардан, мана ярим йилдан ошдики, кўз юмиб келдик. Зотан, камчиликлар ҳақида оғиз очилса, «Уй олиб қолганингизга шукур қилинг, эндиликда бундай имкониятлар йўқ», деган танбеҳни эшитардик. Лекин пичоқ суякка қадалди... Бундан ташқари, уй-жой қурилишига оид муаммолар хусусий эмас, умумий моҳиятга эга. Балки Тошкентнинг минглаб «дом»ларида яшаётган фуқаролар ҳам бир хил ноқулайликлардан машаққат тортаётгандирлар.

Ташқи кўринишдан кўркам ва бежирим бу иморатга дафъатан айб қўйиш ношукурликдек туюлиши мумкин. Аммо апрель ойининг шукуҳли кунларидан бирида интиқ ва интизор хонадон эгаларига калит топширилгач, улар юзлаб нуқсонларни назардан кечирдилар. «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилидаги иш услуби яққол сезилиб турарди. Эшик-деразалар қийшиқ, яхши очилиб-ёпилмайди, 3—4 ойгача қуримайдиган бўёқ билан юпқа бўялган. Иситгич, тутқич каби анжомлар чала, палапартиш ўрнатилган. Тирқишлардан ҳувиллаб совуқ шамол ўтади ва ҳоказо. Шўро уйсозлигидан мерос қолган бундай анъанавий қусурларга кўниккан, уддабуро баъзи қўшнилар зудлик билан ялпи таъмирга киришдилар. Улар ишни уй бурчакларидаги бўшлиқларни бетон қоришмаси билан тўлғазиш, ленолиум тагида қолиб кетган ахлатларни тозалаш, хоналар сахнини текислашдан бошладилар. Ва, ниҳоят, катта харажат эвазига хонадонларини эпақага келтириб олдилар. Лекин беш бармоқ баробар эмас деганларидек, ночор кишилар, албатта, қурувчилар мавжуд камчиликларни тузатиб беришига умид қилдилар. Бу орада иссиқ ёз ўтиб, аёзли куз келди, қаҳратон қиш эшик қоқмоқда. Девор ва шиплардаги бўёқ-у сувоқлар кўчиб тушяпти. Томдан чакки оқмоқда. Хоналарни гўё музхона дейсиз. Чунки иссиқ сувдан ҳамон дарак йўқ, иситиш тармоғи ишламайди. Ҳалигача табиий газ уланмаган. Эмишким, қачон аҳоли 126 хонадоннинг ҳаммасига кўчиб келсагина, газ ёқиб берилармиш. Аслида янги уй газ плиталари ўрнатилиб, жўмраклари уланган ҳолатда аҳолига топширилиши керак эди-ку?!

Совуқдан катта-ю кичикнинг қўл-юзлари ёрилиб, қабариб кетмоқда. Янги уйда туғилган чақалоқларнинг ҳоли не кечаётганини ўзи биладию жони ва ота-онаси. Чўмилиш, тоза-озода яшаш, меҳмон кутиш шароити мутлақо йўқ. Баъзилар орзу-армон қиладиган пойтахтдаги маданий турмуш шуми энди? Газ бўлганида, турли-туман таомларни пиширишдан ташқари, уйда нон ёпиш, турфа пиширириқлар тайёрлаб, дастурхон тўкинлигини таъминлаш имконияти туғиларди. Бу ҳол, айниқса, кўпчилиги ёш болали наврўзғор оилалар бўлган уй соҳибларини қувватсизлик оқибатида келиб чиқадиган турли касалликлардан ҳам, иқтисодий бўҳрондан ҳам омон сақлашга кўмаклашарди.

Кўчиб келмаётган қўшнилар (улар 30 га яқин) масаласига келсак, нега энди биз уларнинг жабрини тортишимиз, кўпчилик озчиликнинг қурбони бўлиши керак? Бунда янги бошпанани кўзига суртиб, шукроналик билан ҳаёт кечираётганларнинг айби нима? Ярим йиллаб кўчиб келмаса, демакки, уларнинг бошқа иссиққина паноҳлари бор. Шундай экан, шаҳар ва район ҳокимлиги, уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси (2-ЖЭУ) мутасаддилари нега ўриндиқларида хотиржам ўтирадилар? Тайёр уйга кўчиб келмаётган худобехабарларни аниқлаб, уй керак бўлмаса, қайтариб олиб, муҳтожларга бериш ва зудлик билан газни ёқиб, жабрдийдаларни қийноқдан қутқазиш уларнинг бурчию вазифаларига кирмайдими?

Яна бир-икки нуқсонни эслатмай илож йўқ. Уйнинг лифти тайёр, бироқ у ишга туширилмаяпти. Афтидан, бу юмуш ҳам ҳамманинг кўчиб келишига қараб қолган. Ҳозирча ғўдаклардан тортиб қарияларгача тўқ-қиз қават орасида оворади сарсон. Хонадонларга овознигор (радио) манбалари ўрнатилган бўлса-да, ташқи йўналишларга улаб қўйилмаган. Натижада фуқаролар унинг беминнат хизматидан бебаҳра ҳаёт кечирмоқдалар. Қурувчилар ва уй-жой бошқармасидагилар радиоузелга югуртирсалар, радиоузелдагилар қурилиш ташкилотига ҳавола қиладилар.

Янги уй соҳиблари, шунингдек, телефон алоқаси ва почта хизматидан ҳам фойдалана олмаяптилар. Негаки, йўлкаларга ўрнатилган почта қутиларининг калити пардозловчиларнинг прораби Файзулла Мелиевда эмиш. У эса қорасини кўрсатмайди. Биз ундан пардозлаш ишларидаги нуқсонларни тузатиб беришни сўраганимизда, бундан ошкора бош тортди. Айтишларича, ҳали қурувчилар ҳам, уй-жой бошқармасидагилар ҳам янги кўчиб келганлардан уйнинг тугал топширилгани ҳақида тилхат олишлари лозим экан. Демак, улар мавжуд қусурлар уй эгаларининг ўзлари томонидан тўла бартараф этилишини кутиб, бекиниб ётганга ўхшайдилар. Уларнинг бу қилмишларидан юқори раҳбарлар бехабар бўлсалар, энди қарз қиёматга қолмас...

Ҳозир нафақат бизни, балки кўплаб оилаларни ташвишлантираётган яна бир долзарб муаммо уй-жойни хусусийлаштириш бўлиб қолди. Ушбу муҳим тадбир, аввало, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгани, жумҳурият Олий Кенгаши бу масала юзасидан махсус қонун қабул қилганию тасдиқлагани йўқ. Жойларда эса Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ, ҳаётга татбиқ этила бошлади. Демак, хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳати нотугал. Бундан имтиёзли табақаларгина тўла манфаатдорлиги аниқ, албатта. Лекин бу тадбир оддий халққа нима олиб келаркин? Ўзи эгаллаган турар жой майдонини юқори нархда сотиб олишга қурби етмайдиган оилаларнинг ҳоли не кечаркин? Белгиланаётган нархлар адолатли, инсонпарварми? Улар шундоқ ҳам бозор иқтисодиётининг қақшатқич зарбасига учраётган не-не оилаларни хонахароб этмаслигига кафолат борми? Умуман, хусусийлаштириш мавсуми мустақил республикамизнинг ҳурфикр (демократик) фуқаропарварлик нуқтаи назари, халқпарварлик маслагига мувофиқми?

Бизни ана шу саволлар ўртамоқда. Ахир кўпгина хонадонларга аввал яшаган ҳовли-жойларини бузиш эвазига янги уй берилган. Мажбурий бўлмаганида, улар ҳеч қачон қадрдон бошпаналарини кўпқаватли бетон уйларга алмаштирмас эдилар. Тўғри, бунинг учун уй соҳибларига муайян миқдорда пул тўланган. Лекин у пул ҳозир арзимас бир нарса бўлиб қолди. Янги уй эса янги нарх-наво баробарида хусусийлаштириб олиниши талаб этилмоқда. Ваҳоланки, у 1990—1991 йилларда қурилган. Лоақал ўша пайтдаги нарх-наводан келиб чиқиб баҳо қўйилса, эҳтимол, чидаш мумкиндир. Ҳозирги ҳолатда эса... Қолаверса, агар уй эгалари янги йилгача хусусийлаштириш имкониятидан фойдаланмасалар, ўз уйларини ижарага олишга мажбур бўладилар. Бу эса уларни келажакда хусусийлаштиришдан ҳам кўра қимматроқ сарф-харажатга мубтало этади.

Биз, 8-уй эгалари жамоатчиликни хусусийлаштириш муаммосини кенгроқ муҳокама этишга чақирамиз.

Сўнгги гап. Биз истиқомат қилаётган иморат мисолида айтиш мумкинки, қурувчиларимизда ҳали маданият етишмайди. Фойдаланишга топширилган уйлар атрофини ободонлаштиришга тутинган ҳар бир киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Чунки қурувчилар она тупроқни тош, шағал, темир, ганч, оҳақ, цемент, ёғоч бўлаклари билан қориштириб ташлаганлар. Ернинг юза қатлами ахлатхонадан фарқланмайди. Техника узлуксиз қатнаб ишлаши оқибатида замин шу қадар қотиб кетганки, уни тозалаб, юмшатиш учун Фарҳоднинг афсонавий тешаси ҳам ожизлик қилади.

Қурувчилар 8—9-уйлар атрофларини ободонлаштириш мақсадида баҳорда ўзларича ниҳол эккан бўлдилар. Лекин унинг тўқсон тўққиз фоизи кузгача жон сақлолмади. Чунки, юқорида айтилганидек, ернинг аҳволи ночор. Маҳаллий матбуот боғлар яратиш ҳақида қанчалик бонг урмасин, барибир, ҳамон манзарали дарахтлар ўтқазилмоқда.

8—9-уйлар атрофида болалар майдончаси ҳам қурилганди. Хўжасизлик ва худбинлик иллатлари унинг умрини қисқартириб қўяқолди. Одамлар майдончанинг асбоб-анжомларини, ҳатто болалар ўйинига мўлжалланган қумни ҳам ўз уйлари таъмири учун ташиб кетдилар. Ён-атрофдаги бошқа уйлар ўртасидаги бундай майдончалар ҳам кутилган натижани бергани йўқ. Аҳоли унинг ўрнига тўйхона, маҳалла қўмитасининг биноси, машина қўналғалари қуриб олишган. Икки ҳисса харажатга ўрин қолдирмай, маҳаллий аҳоли турмуш тарзидан келиб чиқиб, лойиҳага ижодий ёндашилса: кўпқаватли иморатлар оралиғида тўйхона, маҳалла қўмитасининг биноси, панжара билан ўралган болалар майдончасини бемалол жойлаштириш мумкин-ку? Боғча, гулзор қилмоқчи бўлган кишилар учун ер ажратиш имконияти ҳам бор.

Тозалик ва экология муаммолари ҳам уй-жой лойиҳаларига ўзгартириш киритишни тақозо этмоқда. Кўп йилдан бери маълумки, аҳоли ахлат ўраларидан фойдаланишни афзал билмаяпти. Чунки жамики булғаниш, ҳидланиш, кўпқаватли уйларда ҳашарот, сичқону каламушларнинг кўпайишига ана шу ўралар сабаб бўлмоқда. Шундай экан, уйларни аввал ахлат ўраси билан қуриб, кейин бузиб ташлашнинг нима кераги бор? 8—9-уйларнинг соҳиблари ҳам ўрага ахлат ташламай, уни ташқарига ташишга қарор қилдилар. Шу қўйи бинолар атрофида чиқинди уюмлари пайдо бўлди. Унга яқин ўртадаги маҳалла аҳли ҳам топган-тутганини келтириб ташламоқда. Энди қачон тегишли мутасадди маҳкамалар бу муаммони кўриб чиқиб, чиқиндилар учун махсус қутилар бераркинлар?

Мана, азизлар, пойтахтдаги янги бир уй теварагидаги ташвишли манзара. Холис ҳукм чиқаринг-чи, бугун бутун дунё таниётган мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти шаънига шу манзара ярашиқлими?! Тошкентга келган чет эллик меҳмонлар «Миробод» кўчасидан ўтмасликларига ёки 8-уйга қўнмасликларига кафил бўла оласизми? Шаҳар кўчаларини ахлатхонаю ботқоққа айлантириб, уйларини маданий турмушдан маҳрум этиб қўйиш одамгарчиликка, ватанпарварликка тўғри келадими? Бизнинг-ча, йўқ! Пойтахтни ифлослантириш Ватан ва миллатнинг обрўйини тўкиш, хиёнат ва жиноят қилиш билан баробар.

Р. ЗАЛОЛИДДИНОВ, Б. ЗИЕВУДДИНОВ, Н. ЖУМАЕВ, С. АБДУЖАББОРОВ ва бошқалар (жами 52 имзо).

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.00. № Г—469. Тираж 28596. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.